

БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Исмоилов Туйчи Жаббарович – п.ф.н., доцент, А.Қодирий номидаги ЖДПИ
Технологик таълим кафедраси мудири, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада тавсия этилаётган педагогик креативлик ва унинг ўзига хос томонларига амал қилиш орқали бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг креативлик қобилиятини ривожлантиришга эришиш йўл-йўриқлари баён қилинади.

Калит сўзлар: ўқитувчи, креативлик, сифат, ғоя, зехн, фаоллик, потенциал, муаммо, ечим, ижодий, метод, фараз, илмий, тадқиқот.

Аннотация: В статье излагаются своеобразные стороны педагогической креативности и пути развития креативной способности будущих учителей технологического обучения.

Ключевая слова: учитель, педагогический, креативность, потенциал, принцип, проблема, творческий, анализ, синтез, индукция, метод, научный, исследовательский.

Abstract: This article deals with the peculiar aspects of pedagogical creativity and the ways of developing the creative ability of future teachers of technological training.

Keywords: teacher, pedagogical, creativity, potential, principle, problem, creative, analysis, synthesis, induction, method, scientific, research.


Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида

намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ақс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради. П.Торренс фикрича, креативлик:

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро

карама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

Бўлажак ўқитувчининг креативлик сифатларини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Расм-1.

Ўқитувчида бошқа ҳар қандай сифат (фазилят) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Хўш, бўлажак ўқитувчи фаолиятида креативлик хусусиятлари қачондан намоён бўлиши керак?

Одатда креативлик ўқитувчиларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат ўқитувчининг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ривожлантириши зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида креативликни ривожлантиришда қуйидаги шартларга эътибор қаратиш зарур:

- 1) талабалар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
- 2) талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
- 3) талабалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;
- 4) талабаларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш.


Таълим жараёнида қуйидаги омиллар бўлажак ўқитувчида креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;
- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш.

Психологияда П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

- 1) саволлар, камчиликларга ёки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш.

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир:



Педагогик креативлик: ўқитувчининг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

Бўлажак ўқитувчининг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.


Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерида хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Бўлажак ўқитувчи креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Ҳар бир бўлажак ўқитувчининг ўзини-ўзи ривожлантириши ва намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгаллиги билан боғлиқ.

Бўлажак ўқитувчининг креативлик потенциалини ривожлантиришда қуйидаги методлардан фойдаланиш самарали бўлиши мумкин:



Расм - 3.

Одатда бўлажак ўқитувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Ўқитувчи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак ўқитувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда бўлажак ўқитувчининг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчилари юқорида келтирилган тавсияларга амал қилиш асосида муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилади, масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига эришади. Бўлажак ўқитувчи ўз олдида муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келиши мумкин. Натижада ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганиш орқали креативлик

қобилиятини ўз-ўзидан ривожлантириб боришга эҳтиёж туғилади ва ўз самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности – СПб.: СПГУТД, 2006.
2. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.
3. Тагаев Х. Педагогические основы совершенствования творческой личности. Методическое пособие. Институт средств обучения Российская академия образования. - 1993.
4. Тўракулов Э. Педагогик технологиялар ва махорат. Самарқанд 2006 й.